




“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини куриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудидй бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 30 сентябрдаги 457-сонли хатингизга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлари” тўғрисидаги ПҚ-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Фурқат тумани Томоша МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Фурқат тумани Томоша МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш учун уланиш нуқтаси: **Томоша МФЙ** худудига ичимлик сув иншооти куриш, 1 дона электр тежамкор ичимлик сув насоси ўрнатиш, гидравлик хисоб-китобларга кўра лойиха асосида ичимлик сув тармоғи тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилсин

Ичимлик сув тармоқларини курилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, курилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрланган лойиха-смета хужжатлари курилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош мухандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур курилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча курилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош мухандиси:

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
ИЧБ бошлиғи:



И.Абдуллаев

Д.Хамидов